

Рамазонда дуо



16:44 / 27.05.2018 6705

Расуллулоҳ соллаллоху алайхи васаллам Рамазоннинг ҳар бир куни ва тунда жаҳаннамга ҳукм қилинганлар озод қилинишларини айтганлар. Мусулмонларнинг ушбу кун ва кечада қилган дуолари мустажоб бўлади. Кўп ҳадисларда рўзадорнинг дуоси ижобат бўлишида шубҳа йўқлиги айтилган. Баъзи ҳадисларда ифторлик пайтида қилинган дуо қабул бўлиши айтилган. Лекин ифторлик пайтида ҳаёлларимиз овқат билан шунчалик банд бўладикки, ҳаттоки ифторлик дуосини қилишни ҳам унутиб қўямиз. Ифторликнинг машҳур дуоларидан: “Эй, Аллоҳ! Сен учун рўза тутдим, ва сенга иймон келтирдим, сенга таваккул қилдим ва сенинг неъматинг ила ифторлик қилдим”.

Ҳадис китобларида қисқароқ дуоларни учратиш мумкин. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳу ифторлик пайтида: “Эй, Аллоҳ! Сенинг борлиқни қамраган раҳматинг ила Сендан мағфират қилишингни сўрайман”. Баъзи китоблардан Расуллулоҳ соллаллоху алайхи васалламдан қуйидаги дуо келади: “Эй кенг ризқ ато этгувчи Зот, мени мағфират қил”.

Шунингдек, ҳадисларда бошқа дуолар ҳам келтирилади. Бу дуолар ичида маҳсус бир дуо белгиланмаган. Дуо қабул қилинадиган бу вақтда қандай ҳайру-мақсадингиз бўлса шуни ижобатини сўрайверасиз. Дуоларингизда биз гуноҳкор бандаларни ҳам дуо қилишни унутманг. Ундан сўралади,

сўрайдиганни эса ҳақи бор. Абу Ҳурайрадан розияллоҳу анҳу ривоят қилинишича Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Уч кишининг дуоси қабул бўлади: рўзадорнинг, одил ҳокимнинг ва мазлумнинг. Уларнинг дуоларини Аллоҳ булутлардан ҳам баландга кўтариб осмон эшикларини очади ҳамда “Сенга албатта нажот бўлади, бироз вақт ўтса ҳам” дейди”. “Дуррул Мансур”да Ҳазрат Ойша розияллоҳу анҳо шундай дейдилар: “Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Рамазон келганида юзларининг ранги ўзгарарди, намозларни кўпайтирардилар, дуоларида ўта итоаткор бўлиб қалбларини кўрқув қамраб оларди”. Бошқа бир ҳадисларида эса Рамазон тугамагунча ўринларига ётмаганлар дейилади.

Бир ҳадисда Аллоҳ таоло Рамазон ойида Ўзининг Аршини кўтариб турган фаришталарга амр қилиб рўзадорнинг дуосига “омин” деб туришларини буюрилишгани келтирилади. Кўп ҳадислардан шу маълум бўладики, Рамазонда қилинган дуонинг қабул бўлиши муқаррардир. Модомики, бу Аллоҳ таолонинг ваъдаси экан ва Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни етказган эканлар дуонинг ижобатига шубҳа йўқ. Лекин баъзи инсонлар дуо қилганларидан сўнг ижобати кечикаётган бўлса, дуо қабул бўлмади деб ўйлашади. Аслида эса дуо ижобат бўлаётган бўлади.

Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар мусулмон инсон қариндошлик алоқаларини узиш ёки гуноҳ қилишдан бошқасини сўраса у учтадан бирига эришади деганлар. Яъни, у сўраган нарсасини олади ёки ундан қандайдир кулфат узоқлашади ёки охиратда мукофотга эришади. Бир ҳадисда айтиладики, Қиёмат куни Аллоҳ таоло Ўзининг бандасини чақириб ундан сўрайди: “Эй, бандам, Мен сенга дуо қилишингни амр этган эдим ва уни қабул қилишга ваъда берган эдим. Сен Менга дуо қилдингми?”. Ва у дуо қилганини тасдиқлайди. Бунга Аллоҳ таоло шундай дейди: “Мен қилган дуоларингдан қабул қилмаганим бўлмаган. Сен Мендан қийинчиликни йўқотишимни сўраб дуо қилган эдинг, Мен уни бу дунёда ижобат қилдим. Сен Мендан мусибатингни аритишимни сўраган эдинг, лекин унинг ижобатини кўрмадинг. Унинг эвазига сенга фалон мукофотни тайинладим”.

Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳар бир дуонинг дунё ёки охиратда қабул қилинганлиги ҳақида эслатадилар. Шунда ул зот мукофотларнинг кўплигини кўриб, бу дунёда ҳеч бир дуо қабул қилинмаслигини ҳоҳлаб қоладилар. Чунки охиратда банд бунинг эвазига катта мукофотларга эга бўлади. Дуо қилиш жуда муҳимдир. Уни қилмаслик

эса катта йўқотишдир. Агар банда унинг ижобатини кўзи билан кўрмаса ҳафа бўлмаслиги керак. Чунки, Аллоҳ таоло банданинг манфаатини кўзлайди. Агар бунда банда учун фойда бўлса дуосини қабул қилади. Бу Аллоҳнинг чексиз раҳматидандир. Баъзида ўзимиз англамаган ҳолда биз учун номуносиб нарсалар сўраб қўямиз. Кўпгина эркак ва айниқса, аёллар ғазаб устида фарзандларини қарғаб қўйишади. Шунинг учун Аллоҳ таоло дуонинг тўсиқсиз қабул қиладиган пайтлари бўлади. Нимани сўрасангиз шунини оласиз. Бу қарғиш оқибатида фарзандларига бирор ёмонлик бўлса надомат қиладилар. Ўйлаб ҳам кўрмайдиларки, бу кулфатларни ўзлари сўраб олганларини.

Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам банданинг ўзини, фарзандларини, молини ва қулларини қарғамасликка чақирганлар. Аллоҳ асрасин, бу қарғишни у дуо тўсиқсиз қабул қилинадиган пайтда, айниқса, Рамазонда ойида қилиб қўйса. Бутун ой давомида дуоибад қилишдан эҳтиёт бўлиш керак.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу айтадиларки, Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кимки Рамазонда Аллоҳни зикр қилса авф қилинади ва Ундан сўраса ноумид қайтарилмайди деганлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Рамазоннинг ҳар кечасида фаришта тушиб шундай дейди: “Эй, яхшилик умидидагилар! Олдинга юринглар. Эй, ёмонлик истовчилар! Тўхтанг ва кўзларингизни очинг”. Кейин эса фаришта хитоб қилади: “Гуноҳлардан мағфират бўлишни хоҳлаганлар борми? Тавбаларини қабул бўлишни хоҳлаганлар борми? Дуоларини ижобат бўлишни хоҳлаганлар борми? Истакларини бажарилишни хоҳлаганлар борми?”.

Шунингдек дуонинг ижобат бўлиши шартлари мавжуд. Кўпинча бу шартларга риоя қилинмаганликдан дуолар қабул бўлмайди.

Улардан муҳими – ҳаром луқма. У сабаб дуо қабул қилинмайди. Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Мушкул аҳволга тушганлар қўлларини осмонга кўтариб шундай дейдилар: “Эй, Парвардигорим! Эй, Парвардигорим!”. Қандай қилиб уларнинг дуолари қабул қилинсин, ахир таомлари ҳам, ичимликлари ҳам, либослари ҳам ҳаромдан бўлса”.

Тарихчилар ёзишадики бир шаҳарда бир гуруҳ дуоиси ижобат бўладиган инсонлар бўлган экан. Қачон ёвуз ҳукмдор келса дуо қилиб уни тахтдан кетказишар экан. Бир киши ҳукмдор бўлганида бу инсонларни зиёфатга чақиради. Улар таомлангандан сўнг янги ҳукмдор шундай деган экан:

"Энди мен уларнинг дуоларидан омондаман, чунки уларнинг ичига ҳаром луқма кирди". Энди судхўрлик, порахўрлик ва ёлғон бўлиб турган бир даврда ҳалол овқатланишга бир назар ташлайлик.